

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 29 август — 3 сентябрь № 34 (550) Сешанба кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг ўн олти йиллиги
муносабати билан фан, таълим,
соғлиқни сақлаш, маданият, санъат,
маънавият ва маърифат, оммавий
ахборот воситалари ҳамда ижтимоий
соҳалар ходимларидан бир гуруҳини
мукофотлаш тўғрисида**

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро микёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетақрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйдагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

Аминов Собиржон Нигматович — Тошкент фармацевтика институти кафедра мудири
Асроров Аскархон — Тошкент тиббиёт академияси хирургия кафедраси профессори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Арифов Саидқосим Саидзаматович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дерматовенерология илмий тадқиқот институти директорининг илмий ишлари бўйича ўринбосари

Борисова Елена Михайловна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

Гадоев Абдуғаффор — Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш кафедраси мудири

Ибрагимов Азиз Йўлдошев — Республика 1-клиник шифохонаси бош врач
Собиров Жўрабой Марифбоевич — Тошкент врачлар малякасини ошириш институти ректори, соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош анестезиолог-реаниматолог

Умарова Аззатхон — Республика болалар руҳий-асаб шифохонаси бўлим мудири

Халқимизнинг илм-зиё сало-

ҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйдагилар мукофотлансин:

“Буюк хизматлари учун” ордени билан

Аталиев Альберт Ервандович — Тошкент тиббиёт академияси хирургия кафедраси мудири

Махмудов Орхон Сирожидинович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий тадқиқот институти бўлим раҳбари

Убайдуллаев Абдулла Муҳаррамович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Пульмонология ва Фтизиатрия илмий тадқиқот институти директори

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Каримов Шавкат Ибрагимович — Тошкент тиббиёт академияси ректори

Лямина Татьяна Павловна — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 5-болалар шифохонасининг чақалоқлар патологияси бўлими мудири

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Жумабекова Улбосин — Жиззах вилояти Мирзачўл тумани марказий шифохонаси ҳамшираси

Норбўтаев Ҳўрозали — Сирдарё вилояти Боёвут тумани марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири

Элмуродов Каримали Саидинович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали бўлим мудири

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик муборак, эй азиз юртим!



Мана бир неча кунлардан сўнг, ҳаммамиз учун энг азиз бўлган истиқлолнинг 16 йиллик тўйи кенг нишонланади. Бу сана ҳар бир ватандошимиз ҳаётида унитилмас кун, азалий орзу умидлар ушлаган, эркинлик нафаси ифода этилган буюк нашидадир. Ана шу лаҳзаларда биз ҳам барча юрдошларимизни мустақиллиқнинг муборак байрами билан самимий қутлаймиз. Фахр-ифтихор туйғулари акс этган бахтиёр кунларда эса ҳаммамизнинг хонадонидида тинчлик-тотувлик ва шодиёна кунлар кўп бўлишини тилаб қоламиз.

Самарқанд — 2750

ЗАМИН САЙҚАЛИДИР КЎҲНА САМАРҚАНД!

Қадимдан Самарқанд рўйи заминнинг сайқали, Шарқ гавҳари-ю, аждодларимизнинг муқаддас қадамжолари азиз этилган тупроқ сифатида қадрланиб келинади. Буюк бобоқалонларимиз яратган бой маънавий-маданий мерос, улари ўрганиш, асраб-авайлаш, ўзлигимизни англаш сингари том маънодаги вазифалар бугун ҳар бир ватандошимиз олдида улкан масъулиятни юклатиб табиий.

Мана неча асрларким, ўз қадини сарбаланд тутиб, аждодлар руҳи поки ила навқирон турган кўҳна Самарқанднинг муқтақиллик йилларидан сўнг, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, қанчадан-қанча зиёратчиларни ўз бағрига олиб, улари тарих ва ўтмиш билан боғлаб келаётганлигини фахрланиб тилга олиш мумкин. Бежизга Самарқанду Бухорони, Хива-ю, Тошкентни ислом маданияти шаклландирган дўғра ёки бўлмас очик осмон остида музейларга қиёлашмас керак. Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейи арафасида олиб борилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовор бўлиши билан бирга халқимизнинг ўтган буюк аждодларимизнинг нодир ва ўлмас тарихий меросига бўлган ҳурмат ва эътиборини яна бир қарра ошириди, десак муболага бўлмайди.

2007 йил 25 август кўни Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида кўҳна дийрнинг 2750 йиллик қутлуг тўйига бағишлан-

ган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари, санъат намоёндалари, хорижий журналистлар ва сайёҳлар иштирок этдилар. Давлатимиз раҳбари тадбир сўзида Самарқанд шаҳрининг бетақрор жамоли, юртимиздаги тинчлик-барқарорлик истиқлолимининг буюк неъматини эканини, шунингдек, миллий давлатчилигимизнинг тамал тошлари айнан шу ерда қўйилгани, Сўғдиёна ва Мароқанд номи билан машҳур бўлган давлатлар ва юксак цивилизация намуналари ҳам шу заминда барпо этилганини фахр туйғуси билан таъкидлади. Шу билан бирга давлатимиз раҳбари бошланган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қатнашчиларини самимий қутлаб, уларга инсоният тафаккурининг бетақрор ҳазинаси, маънавий қамолот рамзи

бўлмиш мусиқа санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятларида янги ютуқлар, фестиваль ишига муваффақият тилади. Мазкур тадбирнинг ўтказилишида ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Илк фестивалда жаҳоннинг 32 мамлакатидан вакиллар иштирок этган бўлса, бу гал элликдан ортқ давлатдан санъаткорлар қатнашганини ҳам мазкур халқаро мусиқа анжуманининг дунёда нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Тантананада сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо Жаъфар бин Хасан қадим Самарқанднинг илм-фан ва санъатга қўшган улкан ҳиссасига, «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалининг мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш борасидаги аҳамиятига юксак баҳо берди.

Ўйлаймизки, ўтказилган тадбир ҳар бир ватандошимиз қадибида она-юрт муқтақиллигига бўлган ишонч, авлод-аждодларимизга бўлган ҳурмат ва эътибор руҳи ила янада мустаҳкамланади, деб умид қиламиз.

Намоз ТОЛИПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг ўн олти йиллиги
муносабати билан фан, таълим,
соғлиқни сақлаш, маданият, санъат,
маънавият ва маърифат, оммавий
ахборот воситалари ҳамда ижтимоий
соҳалар ходимларидан бир гуруҳини
мукофотлаш тўғрисида**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйдагилар мукофотлансин:

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Югай Александр – Республика шойлиниқ тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиалининг нейрохирургия бўлими мудири

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Аманов Алимжон – Академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бўлими мудири

Бозоров Салим Ражабович – "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик темир йўл компаниясининг Бухоро бекати касалхонаси анестезиолог-реаниматологи

Болтабоева Гулнора Абду-сатторовна – Андижон вилояти Олтинқул туман марказий шифохонаси туғруқ комплекси дояси

Мажидов Фарход Кудратович – Жиззах вилояти Жиззах тумани Хавастлик қишлоқ врачлик пункти врач

Мухитдинова Мунаввар Зайнитдиновна – Республика шойлиниқ тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали болалар бўлими мудири

Рустамова Азизахон Ад-хамовна – Маргилон педагогика коллежи тиббий билим асослари фани ўқитувчиси

Қодирова Замира Туроповна – Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани марказий шифохонаси чақалоқлар бўлими мудири

Қўрғонов Алишер Искандарович – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Навоий қишлоқ врачлик пункти фельдшер

Ортимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг тур-

ли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шухратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйдагилар мукофотлансин:

"Дўстлик" ордени билан

Бендингер Маргарита Николаевна – Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокори тайёрлаш кафедраси доценти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйдагилар мукофотлансин:

"Шуҳрат" медали билан

Авулова Дилфуза Абдулафоевна – Самарқанд шаҳар "Саховат уйи" ҳамшираси

Ботиров Абдураҳмон Рўзимбоевич – Сирдарё вилояти Ховос туман Бобур қишлоқ врачлик пункти мудири

Жабборов Бибиноир – Сурхондарё вилояти Денов туман марказий шифохонаси бўлими мудири

Маллабоева Зоҳидяхон – Наманган вилояти 1-сонли марказий шифохонаси терапевти

Мирсағатова Роза Абдуллаевна – Тошкент шаҳар 28-оилавий поликлиника ҳамшираси

Муслимова Вазира Муқимовна – Тошкент тумани Навоий қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

Наврўзов Ризоқул Жўракулович – Бухоро вилояти Қорақўл туман эркалар "Мурувват уйи" кичик тиббий ходими

Наумченко Татьяна Петровна – Тошкент вилояти Оҳангарон туман "Мурувват уйи" ҳамшираси

Норматова Мавжуда Каримовна – Навоий вилояти Хатирчи тумани А. Икромов қишлоқ врачлик пункти врач

Сеитаббазова Мериём Иззетовна – Фарғона шаҳар "Саховат уйи" терапевт-шифокори

Туллабоева Муқаддасхон Баратовна – Фарғона вилояти Фурқат туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудири

Утарова Роза – Хоразм вилоят болалар шифохонаси бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 27 август

Юксак мукофот муборак!

Халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб, муваффақиятларининг 16 йиллиги арафасида юксак мукофотга сазовор бўлган сиз азиятларни самимий қутлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

2007 «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда




**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирини
Феруз НАЗИРОВ билан суҳбат**

16 йил... Бу жарангдор сўз тарих зарварларида зарҳал ҳарфлар билан битилди. Зеро, ўтган давр мобайнида жаннатмакон юртимиз ўзига хос тарзда чирой очиб, таниб бўлмас даражада дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олди. Шунингдек, ҳар бир жабҳаларда юз берган ўзгариш ва янгила-нишларни айтмайсизми?! Айниқса, давла-

тимизнинг инсон манфаатлари ва унинг саломатлигини муҳофаза қилишдек устувор вазифалари йўлида амалга оширилаётган ишлар кўламига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам кўпгина ижобий ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ПОРЛОҚ МАНЗИЛЛАРИ...




– Ҳурматли Феруз Фафурович, фахр билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз ҳаётида ҳар йилнинг ўзига хос ном билан атилиши бевосита тиббиёт ислохотларининг мақсадли ва умуминсоний тамойиллари билан боғлиқ. Бирламчи масала инсон манфаатларига қаратилган экан, "Ижтимоий ҳимоя" йилининг ҳам айнан мазмун-моҳияти ва узвий бирлигида саломатлиқнинг бош омил уйғун ётади. Бу борадаги фикрларингиз қандай?

– Саволингиз жуда ўринли. Чунки, жамиятимизда юксалиш бор экан, унда албатта, инсон манфаатлари ва унинг тинчлиги, фаровонлиги-ю, саломатлиги асосий ўринларда туради. Муваффақиятнинг илк йилларидаёқ, бу эътиборни муҳтарам Президентимизнинг соҳа ривожига қўшган савий-ҳаракатларида кўриш мумкин. Ўзбекистон тиббиётини жаҳон тажрибаси даражасига олиб чиқиш, мамлакатда сифатли тиббий хизмат турини такомиллаштиришни замонвий қиёфада яратиш ишлари йилдан йилга, кундан кунга туб бурилишларга сабаб бўлиб келди. Қувонарли томони, аҳолига кенг шарт-шароит ва имкониятлар эшигини очиб мақсадида Республика шойлиниқ тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиаллари, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда маҳалла кадрларини тайёрлашда асосий мезон бўлаётган турли тиббиёт коллежлари ва ўқув муассасаларининг қад ростлаши табиийки, бу истиқболли ўзгаришларнинг дастлабки пойқада-ми бўлди, десам янглишмайман.

Соғлом юрт фарзандларини тарбиялаш, уларнинг баркамол авлодлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш фақатгина мамлакат сиёсатидаги устувор вазифа бўлмай, балки ҳар бир фуқаро, қолаверса, кўпроқ биз тиббиёт ходимлари олдига улкан масъулиятли вазифаларни юклайди. Ундан ташқари, ҳар йилнинг ижтимоий ҳаёт тарзига дахлдор тарзда номланиши соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада ривожлантириш

матлиги йўлидаги ислохотларни янада такомиллаштириб юборди. Ўтган йили Давлатимиз раҳбари томонидан "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари қуни"ни белгиланиши, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида оид мукофотларнинг жорий этилиши, жонқуяр, фидойи тиббиёт ходимларининг меҳнати ардоқланиб, эъзозланиши, ўзим қатори, барча тиббиёт ходимларини ҳам юксак фахр-ифтихорга тўлдирди.

– Албатта, ҳар қандай гамхўрлик ва эътибордан тўғри ва ҳолисона фойдалана олиш муҳим ҳисоблангандек, келинг, фикрларимизни бевосита аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар доирасидаги фаолиятларга қаратсак. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан тиббиёт муассасаларида амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги қонун ҳужжат-



га, юксалтиришга, баъзи ўринларда мавжуд камчиликларни бартараф этиб, янгилашлар сари интилишга ундайди.

Айниқса, 1998 йил "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш" Давлат дастурининг амалиётда татбиқ этилиши, замонвий тиббиётнинг янгича қўринишларини ижтимоий ҳаёт доирасига олиб кириб, аҳолини тиббиётга бўлган ишончи ва эътиборини қучайтириб, жойларда халқ сало-

лари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда амалдагиларга ўзгартиш ва қўшимчалар кириштириш, аҳолининг ночор қатламга ёрдам кўрсатишда дифференцияланган ёндашувни амалга ошириш борасида қандай ишлар қилинди?

(Давоми 3-бетда).

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

ИСТИҚЛОЛНИНГ ПОРЛОҚ МАНЗИЛЛАРИ...

– 2006 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Парламентда “Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди ҳамда 2007 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан ушбу Қонун тасдиқланди. Амалдаги ҳужжатларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 апрелдаги “Никотланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 78-сонли қарори қабул қилинди.

16 ёшгача бўлган болаларга ногиронлиқни тайинлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма қарор тайёрланди. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 27 июнда 1695-сонли Давлат рўйхатидан ўтказилди. Болаларнинг ёшига ва физиологик эҳтиёжга мувофиқ равишда овқатланишни яхшилаш мақсадида дастурнинг 5.6 бандига асосан 4 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар уйлари ва мактаб-интернатлар, ихтисослаштирилган ёрдамлаштириш мактаблари тарбияланувчилари учун бир кунлик озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш бўйича санитария меъёрлари қайта кўриб чиқилди.

– “Меҳрибонлик” уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, боқувчисини йўқотган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, “Сен ёлғиз эмассан” инсонпарварлик шорини ҳаётга татбиқ этишни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги вазифалар тизимда қандай аксини топмоқда?

– Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигидаги тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Республикада жами 28 та “Меҳрибонлик” уйлари мавжуд бўлиб, уларда 3005 нафар болалар, шу жумладан 379 нафар қиз болалар тарбияланмоқдалар. Тиббий кўриқдан ўтган болалар сони 2967 нафарни ташкил қилди. Ушбу муассасалардаги касаллиги аниқланган тарбияланувчиларни даволаш учун тиббий ходимлар томонидан соғломлаштириш чора-тадбирлар режаси тузилди ва ҳозирги кунда режа асосида соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

“2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури”нинг ижросини таъминлаш мақсадида

жорий йилнинг 8 январидан М-19-11-11-сонли Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг қўшма буйруғи қабул қилиниб, ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ўтган давр мобайнида 24923 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, шулардан, 5793 нафари шифохоналарда, 14476 нафари амбулатория шaroитида, 3343 нафари уй шaroитида шaroитида ҳамда 39 нафари сийатхоҳларда соғломлаштирилди. 272 нафар кўзи оғир ногиронларга бепул сунъий гавҳар қўйиш йули билан хирургик амалиётлар ўтказилди. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази 19 млн. 376 минг сўм қийматидаги замонавий диагностика аппаратлари ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ҳозирги кунда 180 миллион сўм қийматидаги замонавий даволаш-диагностика аппаратлари рўйхати тузилди ва Англиянинг “Rexxon Trading Limited” фирмасидан замонавий даволаш-диагностика аппаратларини сотиб олиш учун шартнома имзоланди.

Республика Терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институтида жами 617 нафар бемор соғломлаштирилди. Шундан 248 нафари пенсионер, 34 нафари II Жаҳон уруши қатнашчиси, 295 нафари 1-2 гуруҳ ногиронлари, 12 нафари Афғон уруши қатнашчиси, 2 нафари Чернобыль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган фуқаролар, 26 нафари эса ёлғиз қолган қария-

таъминлаш тизимини такомиллаштириш, дорихоналар томонидан бепул рецептлар асосида бериладиган дори-дармонларни аниқлаш, бепул рецепт бланкларини сақлаш тартибларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрланди. Кишлоқ аҳолисини дори-дармонга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида кишлоқ врачлик пунктлари қошида дорихоналарни ташкил қилиш учун имтиёзлар яратиш тўғрисида Республика пул-кредит сийсати комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ва тегишли ташкилотлар билан иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинган беморларни ҳаётий зарур дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимидagi даволаш-профилактика муассасаларининг зарурий дори-ларга бўлган эҳтиёжи мунтазам равишда аниқланди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ижтимоий касалликларга чалинган 219000 нафар бемор 1404,2 миллион сўмлик дори-дармонлар билан бепул таъминланди.

– Жамиятда соғлом муҳитни яратиш, жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш, “Соғлом она-соғлом фарзанд” ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш юзасидан қўлланилаётган амалий фаолиятлар хусусида...



лардир. Республикадаги 4 та ихтисослаштирилган марказларда 1655 нафар бемор соғломлаштирилди. Шунингдек, дастурнинг 82 банди асосида Республика Герантология марказида жами 2351 нафар қариялар ўз соғликларини тикладилар. Даволанган беморларнинг 1981 нафари пенсионерлар, II Жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилганлар, 348 нафари эса Афғон уруши қатнашчилари ҳамда 24 нафари ёлғиз қолган қариялардир.

– Ундан ташқари, **фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, давлат ва жамоатчилик томонидан уларни қўллаб-қувватлашни таъминлаш, муҳтожларга бегараз ёрдам ажратишни тўғри йўлга қўйиш мақсадида дастурнинг қайси бандлари эътиборга олинди?**

– Дастурнинг 7-боб, 79 бандига қўра имтиёзли шахсларни бепул дори-дармонлар билан

“Саломатлик ва ривожланиш” жамғармаси билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистоннинг мазкур хайрия лойиҳасига ҳиссаси сифатида “Грант маблағи доирасида Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган қурилиш материаллари ва тиббий асбоб-ускуналарини солиқ ҳамда божхона тўловларидан озод қилиш тўғрисида”ги ҳукумат қарори тасдиқланди. Жанубий Кореялик мутахассислар

бойитиш жиҳози ўрнатилган. Лойиҳа бошлангандан бери 753 минг тонна бойитилган ун ишлаб чиқарилган, шу жумладан 2007 йил 25 июнь ҳолатига 362,2 минг тонна бойитилган ун ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказилди.

Олти ой давомида 120 нафар туғма лаб танглай нуқсонига бўлган ногирон болаларга



томонидан бўлимларда таъмирлаш ишлари яқунланди. Ҳозирги кунда керакли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш давом этмоқда. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан 90,0 миллион сўм қийматида таъмирлаш ишлари бажарилди. Жорий йилнинг 27 май кунини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япониянинг JICA ташкилоти ҳамкорлигида Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтига Япония Ҳукуматининг 3,5 миллион АКШ доллари қийматидаги гранти ажратилиши бўйича баённома имзоланди. Замонавий даволаш-диагностика аппаратларининг тендер бўйича олиниши декабрь ойига ҳамда ушбу лойиҳани амалга оширилиши 2008 йилнинг февраль-апрель ойларига режалаштирилган. “Амери Керз” халқаро хайрия ташкилоти ҳомийлиги билан болалар ва фертил ёшдаги аёлларда темир моддаси ва фолий кислотаси танқислигининг олдини олиш мақсадида 269,0 минг АКШ доллари қийматида 400 минг дон ферросульфат тарқатилмоқда, 187976 нафар никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўтказилди. Республика бўйича 6 ой давомида 145920 нафар чақалоқлар текширилди, улар орасидан фенилкетонурияга 131400 та чақалоқлар текширувдан ўтказилди, улардан хавфли гуруҳ 282 тани ташкил этди, улар шифокор назоратига олиниб, шифобахш озуқа билан таъминландилар. Скрининг марказларда пренатал скринингдан 44767 та ҳомиладорлар текширувлардан ўтказилди ва 586 нафарда ҳомила аномалияси аниқланиб, керакли маслаҳатлар берилди.

Унни фортификация қилиш Миллий дастури доирасида республиканинг барча вилоятларида 58 та корхонада, шу жумладан, 12 та хусусий корхонада унни

8,5 миллион сўм маблағ доирасида пластик реконструктив операциялари ўтказилди. Жорий йилнинг шу кунига қадар 12 нафар бемор болалар Германия клиникаларида даволашиб қайтдилар. Сеул университетининг шифокорлари томонидан июль ойида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида хайрия йўли билан “Меҳрибон” уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалардан 100 нафардан ортиқ беморларга шу жумладан, 30 нафар бемор болаларга пластик реконструктив операциялари бажарилди. Республика Саломатлик институти ва унинг филиаллари томонидан, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида “Бўқоқ касаллигини олдини олиш”, “Камқонлик” ва “Ўсмирлик даври ҳақида” каби мавзуларда ўтган давр мобайнида Республика бўйича 121 та радиозаштиришлар, 80 та телекўрсатувлар ва 83 та газеталар орқали соғлом оилани шакллантириш ишлари тарғиб қилиб келинмоқда.

Фахр билан айтишим мумкин, истиқлол берган имконият туйғайли Республика тиббиёт тизимидида ижобий ишлар амалга оширилди. Ниятимиз халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишдир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 16 йиллик юбилейи билан самимий қутлайман. Уларга сийҳат-саломатлик, ҳаммаларининг хонадонларига тинчлик-омонлик тилаб қоламан.

Сўхбатдош:
Ибодат СОАТОВА.

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидининг “Соғлиқни сақлаш тизимидида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги” лойиҳаси асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 2-бетда)

Ҳафтанинг муҳим хабарлари



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси раиси ўринбосари И. Саифназаров, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж. Ҳакимовлар қириш сўзи билан очиб беришди. Сўзга чиққанлар барчани

энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги билан қўтлаб, ўтказилаётган тадбирнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари ва босма нашрлар раҳбарлари, шарҳловчилар ва бошқа ОАВ ходимлари иштирок этган семинарда босма оммавий ахборот воситала-

Семинар ТАҲЛИЛИЙ ТАФАККУР ВА МАҲОРАТ БИЛАН

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан жорий йилнинг 23 август куни Миллий матбуот марказида «Сийёсат» ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда «Босма ва интернет нашрларида ижтимоий-сиёсий мавзуларнинг ёритилиши: муаммо ва ечимлар» мавзuida семинар бўлиб ўтди.

ри ва ахборот агентликлари томонидан мамлакат ички ва ташқи сиёсати мақсад-вазифаларининг ёритилиши, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг туб моҳиятини кенг халқ оmmasига етказиш, бу йўналишдаги материалларнинг сифатини ошириш, тахририятларнинг манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари, мутахассис-экспертлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, сиёсий шарҳловчиларнинг профессионал маҳоратини кўчатириш каби масалалар кизгин баҳс-мунозаралар асосида муҳокама қилинди.

Бугунги кунда республикада 1000 га яқин оммавий ахборот воситалари, жумладан 700 га яқин газета, 200 га яқин журнал, 4 та ахборот агентлиги ва қатор телерадиоканаллар, интернет агентликлари ва ахборот хизмат-

лари фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолиятида жамиятда юз бераётган воқеаларни ўз вақтида, ҳолис ва ҳаққоний ёритиш, аҳолини биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга молик ахборот билан таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Зеро, жамият ҳаётидаги янгилишлар, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотлар қўлами тобора кенгайиб бораётгани, улар моҳиятини кенг халқ оmmasига етказиш оммавий ахборот воситаларининг бу мавзуларга алоҳида масъулият билан ёндашиши лозимлиги тақозо этишини ҳам қайд этиш лозим.

Бу соҳада эса мамлакатда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни юксак профессионал тарзда таҳлил эта оладиган шарҳловчилар фаолияти алоҳида ўрин тутди. Аммо матбуот саҳифаларида мамлакатда

амалга оширилаётган янгилишлар қўлами, мамлакат ва дунё миқёсида рўй бераётган турли воқеа-ҳодисалар етарли даражада ёритилаёпти, деб айтиш қийин. Булар сабабини, энг аввало, сиёсий шарҳловчи фаолиятга тахририятларда эътибор етарлича эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Катта масъулият ва кенг дунёқараш, билим доираси, таҳлилий тафаккурни талаб этадиган бу соҳага ҳамма журналистлар ҳам қўл ура олмаётганлигини қайд этиш жоиз.

Семинар давомида мазкур масалалар иштирокчилар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва тегишли хулосалар ишлаб чиқилди.

Семинарга «Сийёсат» ахборот-таҳлил маркази раҳбари Ф. Жамолов модераторлик қилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Экофестиваль

В ПРЕДДВЕРИИ ПРАЗДНИКА

25 августа в столичном парке культуры и отдыха им. Мирзо Улугбека состоялась заключительный Экофестиваль марафона под девизом «Независимость, экология и здоровье населения», посвященного 16-летию независимости Республики Узбекистан.

На основании Постановления Президента Республики Узбекистан «О подготовке и проведении празднования 16-летия Государственной независимости республики», Международная организация «ЭКОСАН», Госкомитет по охране природы, Общественное движение молодежи Узбекистана «Камолот», Творческий союз журналистов Узбекистана в июле-августе 2007 года провели марафон экофестивалей под девизом «Независимость, экология и здоровье населения». Основной целью проведения данного мероприятия явилась пропаганда достижений республики в области экологии, охраны окружающей среды и здоровья населения. Инициатива проведения данного экофестиваля исходила от Международной организации «ЭКОСАН», и была поддержана хокимиятами областей и другими его соорганизаторами. За 2 месяца экофестивали прошли во всех областных и районных центрах республики. В них приняли участие свыше 30 тысяч человек.

Завершающее выступление состоялось в одном из столичных парков. Вечером 25 августа парк им. Мирзо Улугбека был полон людьми. До начала фестиваля оставалось еще немного времени, а места перед сценой уже были заняты. Легкое волнение, суета, исходящая от организаторов и участников праздника, свидетельствовала о том, каким важным и значимым является это мероприятие. И вот, наконец, праздник начался. В торжественном открытии Экофестиваля в Ташкенте приняли участие и выступили Председатель Международной Организации «ЭКОСАН» Ю.Шадиметов и многие другие.

Далее все шло по установленной программе. Друг за другом следовали выступления с участием активной и талантливой молодежи Узбекистана. Ребята продемонстрировали широкой публике свои умения в области танца, восточных единоборств. Профессионально организованные и четко отработанные движения выступающих поразили зрителей, которые, не отрывая глаз, наблюдали за участниками фестиваля. Следует подчеркнуть тот факт, что свыше 3-х тысяч жителей и гостей столицы принимали участие в заключительном Экофестивале.

На торжественном открытии Экофестиваля активным участниками экологии и здоровья были вручены дипломы «ЭКОСАН»: Национальной холдинговой компании «Узбекнефтегаз»; Заместителю министра здравоохранения, Главному Государственному санитарному врачу Республики Узбекистан Б.Ниязатову; профессору Университета мировой экономики и дипломатии Б.Бахриддинову; руководителю проекта ПРООН в Узбекистане К. Усманову; Заместителю руководителя информационной службы Госкомитета по охране природы Республики Узбекистан А.Мусаеву.

Завершился Экофестиваль праздничным концертом, в котором приняли участие Заслуженные артисты Узбекистана, художественные коллективы русско-киргизского, уйгурского, украинского, татарского культурных центров.

Экофестиваль подошел к концу, но жители Узбекистана надолго запомнят его как одно из наиболее ярких и знаменательных событий уходящего лета.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

Конкурс

Воспитание здорового молодого поколения, создание уюта и благополучия в каждой семье, путем оказания необходимой помощи – это самые главные задачи.

осуществляемые на сегодняшний день. А для выполнения данных задач немаловажна активная работа с молодежью, особенно с молодыми семьями.

ГОРДОСТЬ ВСЕЙ МАХАЛЛИ



В этих целях 20 августа текущего года в банкетном зале «Шахристон» Юнусабадского района проведен смотр-конкурс молодых невесток с участием представительниц махаллей «Турк кургон» (Нигора Шарипова), «Шахристон» (Наргиза Абиджанова), «Окибат» (Муни-

ра Рахматуллаева) и «Уста Ширин» (Наргиза Хажизадаева). На мероприятии, проведенном по инициативе коллектива семейной поликлиники №35 Юнусабадского района, участвовали представители профсоюза медицинских работников города Ташкента, Фонда «Соғлом авлод учун», а так-

же жители данных махаллей.

На протяжении 4 состязаний ее участницы проявили свои способности в ведении быта, уходе за ребенком, а также в оказании первой медицинской помощи. Итак, в итоге соревнований члены жюри пришли к единому выводу о присуждении двух мест честию участницам. Представительницы махаллей «Турк кургон» и «Шахристон» получили первое, а участница махаллей «Окибат» и «Уста Ширин» было присвоено второе место.

Женщина – это хранительница домашнего очага, любящая мать и ответственный работник. И ее мастерство, умение и способности являются главной движущей силой в этом деле. А участницы сегодняшнего конкурса, обладающие самыми лучшими качествами, несомненно являются гордостью своей семьи, махалли и, конечно, Родины.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Спортакиада

ЖЕНЩИНА И СПОРТ

20 августа 2007 года в средней школе №5 города Чирчика состоялась спортакиада среди женщин 8 махаллей, посвященная 16-летию годовщины независимости Республики Узбекистан. На соревнованиях присутствовали заместитель хокима города Чирчика Ш.Ирисметова, представители Фонда махаллей и ОДМ «Камолот». Мероприятие под девизом «Женщина и спорт» было проведено по проекту «Здоровье». В первой части программы проводились спортивные соревнования и игры. Главным судьей был тренер по боксу К. Миртошев. Затем, участникам были за-

читаны лекции «О семье и браке», «О грудном вскармливании и значении грудного молока» (лектор главной врач поликлиники №3 Ф.Усманова). В конце мероприятия председатели махаллей 26, 38, 39, 41, 42, 43, 44 и главные врачи поликлиники подарили ценные подарки и памятки о ведении здорового образа жизни и воспитании детей участникам соревнования.

Тамара ЗАХАРОВА.



Материал подготовлен при содействии Общественного фонда поддержки и развития независимых печатных средств массовой информации и информационных агентств Республики Узбекистан.

Мавзуга қайтиб

ТИББИЁТ ДЕОНТОЛОГИЯСИ ДАВҲАЛАРИ

Шифокор ўзи ким? Унинг шифокорлик соҳасидаги ўрни нимадан иборат? Бу саволга ҳар бир тибб ходими ҳозирда ўзича ёндашиб келмоқда.

Замонавий ёш шифокорлар ва олий маълумотли ҳамшираларни тиббиёт олий билимгоҳларида деонтологик тарбиялашда қадимда ўтган ва ўрта аср табиблари, яъни Шарқ табобати намояндalarининг маънавий бойликларида самарали фойдаланишимиз керак.

Маълумки, кўча Шарқда табобатчилик касби аҳоли ўртасида энг мўтабар мутахассислик ҳисобланган.

Шифокорлик касбини танлаган ва олий маълумотли ҳамшира бўлишни орзу қилган инсон ибодли, имон-этиқодли, но-зик таъб, бошиқ ва ўзининг мураккаб фаолиятида оғишмай ишлайдиган, журъдли бўлмоғи даркор. Унинг учун беморнинг манфаатидан ўзга туйғу бўлмаслиги керак. У бор билими, ақл-заковати ва орттирган касбий тажрибасини бемор саломатлигини тиклашга, унга ёрдам қўлини чўзишга доим тайёрлиги, ўзининг ҳузур-ҳаловатидан кечиб, бемор атрофида доимий тиббий ёрдамга шай эканлигини намойиш қила билиши, бемор ва унинг қариндош-уруғлари муҳаббатини ўзининг ҳатти-ҳаракати билан қўзонишга интиломи керак.

Шарқ табобатининг буюк алломаси, ватандошимиз Абу Али ибн Сино оғир шифокорлик касбини зиммасига олган инсонларга кўп яхши ўғит ва талабларни ёзиб қолдирган. Масалан: «Ўз умрини савоб иш – шифокорликка бахш этган одам, энг аввало сажий, мурувватли, соддадил, беғараз ва адолатпарвар бўлмоғи керак. Ташқи киффаси эътиборга лойиқ, камгап, очик чехрали, боқушлари мулоим ва табассумли, озода ҳамда камтарин кийинган бўлиши лозим. Зеро, унинг қўрнини ва ҳатти-ҳаракатлари бемор ҳамда унинг қариндошлари орасида ҳурмату-ишонч туйғусини йўғота олсин. Шифокорнинг самимийлиги у қилмоқчи бўлган муолажанинг аввалидир».

Шуни таъкидлаш лозимки, Шарқ табобатида мунаввар ислом динимиз ақидалари кенг ўрин олган. Муслмончиликда кўп тартиб этилаётган «ҳалол», «ҳаром», «гуноҳ», «маҳрам», «но-маҳрам» каби қатор тушунчалар борки, бу табибликни бўйига олган ҳар бир шахсдан биринчи навбатда ўз эътиқодига содиқ бўлишни, барча ножиб ва фарзий амалларни мукамал ва мунтазаб бажаришни талаб қилади.

«Ҳаёли бўлиш имондандир, имонли бўлиш жаннатидир, беҳаёлик жафалиқдан бўлиб, жафо эса жаҳаннамдур. Кимки одамлардан ҳаё килмаса, у Тангридан ҳам уялмайди».

(Ҳадисдан).

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Кўзга кўринган ўрта аср намоёндаларидан Низомий Арузий Самарқандий ўзининг табобатга доир нодир «Чор мақола» рисо-ласида табиблар ҳаётидан ибратли намуналар келтириб, шифокор касбининг таърифи ҳақида шундай ёзган экан:

«Шифокор Оллоҳдан мадад сўрамоғи ва натижани барча ишга қодир ягона Оллоҳнинг ҳу-кмига ҳавола қилмоғи лозим. Чунки ҳамма нарса фақат унгагина аёндир. Оллоҳ берган идрок, та-факкур орқали шифокор касал-лиқнинг сабабларини аниқлай олади». Муаллиф шифокорнинг мантиқни билиш заруратини қуйидагича изоҳлайди: «Шифокор мантиқан насл билан турни фарқ-лай олмаса, бирор нарсанинг туб моҳиятини унинг иккиламчи сифатларидан ажрата олмаса, да-волаш ишида кўзлаган мақсади-



га эриша олмайди. Ҳодисанинг сабаб ва оқибатини яхши тушу-надиган шифокор эса иситма – тури, келиб чиқиш сабабларини англаган ҳолда, зудлик билан муолажани бошлайди. Оллоҳқа ишонмоқ ва унинг номи билан иш бошламоқ шифокорнинг олий фазилатларидандир».

Одатда, шифокор ҳам, ҳамши-ра ҳам беморларни ундан илти-мос қилиши биланоқ Оллоҳ номи билан, яъни «Бисмиллаҳир роҳ-манир роҳийм», деб амал ва им-конларини ишга солмоғи, барча-га баробар яхши ва хушмуомала бўлмоғи, беморлар тўғрисида қайғуриб, меҳр-шафқатли бўлиб уларга ҳеч қачон жазо («эвта-назия»)ни раво қўлмаслиги керак. Оқил тибб ходими оғир, тузалиши мумкин бўлган беморларга уларнинг жонлари узилмагунча қўлидан келган барча керакли ҳатти-ҳаракатини, мададини ва ғамхўрлигини сидқидиллик билан амалга ошириши даркор.

Муастақил Ўзбекистонимиздаги тиббиёт ходимларининг одоби ва ватанпарварлик туйғулари ўзаро ҳамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Буюк аллома Абу Али ибн Сино-нинг ижод ва табобатдаги фао-лиятида нафақат юксак одамлик, балки Ватанга чексиз садоқат ҳисси тўлиб тошган. Шогирди Жўржонийнинг таъкидлашича, ус-тоз Ибн Сино маънафатини одам-лар ва Ватан манфаатидан юқори қўйишга баъзи нодон амалдорлар билан курашиб ўтди. Кўп қувғин-ликка учраган табиб ўзга юртлар-да бошпана излашга мажбур бўлганида ҳам: «Ўзга элнинг сул-тони бўлгунча, ўз элнинг ул-тони бўл», деган нақлга амал қилиб, ҳаётини қийинчиликларга

бардош бериб, уларни энгиб, ижоддан тўхтамаган, халққа, беморларга умрининг сўнги дамларигача жасоратомуз хиз-мат қилган...

Замонавий олий маълумот-ли ҳамширанинг одоби унинг ҳатти-ҳаракати, одамлар билан бўлган муомаласи ва мулоқоти билангина намоён бўлмай, бал-ки ўзбек ҳамда шарқона аёл сифатида, яъни ўзлгимизга эга бўлиши билан ҳам фарқла-нади.

Буларга номус, ибо ифбат, назокат, лутф, ҳаё, камтарин-лик каби фазилатлар кирди.

Кийинишдаги маданият, зеб-зийнатлар ва бошқа пардоз во-ситаларидан фойдаланиш ҳамда кийим бичими, узунлиги метабди бўлиши керак.

Товушни баланд қилиб га-пириш, ўқрайиш, бемор гапи-ни бўлиш, шартакилик, кўпол муомала, ортиқ-ча тақинчоқлар, сақич чайнаш, сигарета че-киш ёки спиртли ичим-ликларни истеъмол қилиш тиббиёт ходим-лари ҳодими одобига ярашмайдиган иллат-лар ҳисобланади.

Номус, ибо, ифбат ҳамширанинг кўркидир. Ўз обрўси, шуҳрати, кадр-қиммати, касби-нинг ижтимоий аҳа-миятини англаш, унга бўлган муҳаббати ва касбдан гурурланиши маънавий жиҳатдан тақомилла-шиши, иш малакасини ошири-шига бўлган доимий интили-шидан ҳам иборатдир. Ҳар бир тиббиёт ҳамшираси ўз касб-кадр-қиммати ва шарафни туй-ғусини ҳамиша баланд сақла-моғи зарур, чунки бу халқнинг тиббиёт ходимларига бўлган ишонч туйғусини кўтарди.

Демак, тиббиёт ходими, шу-нингдек, энг аввало, соф виж-донли, ҳалол, адолатли, юксак ахлоқли бўлмоғи керак, чунки виждон инсоннинг ички ахло-қий ҳакамидир. Виждон – бу ўз бурчини англаш демак. Ти-ббиги оламида вужудга келган кўпгина муаммоларининг ҳал қилиниши виждонга, шифокор-ва ҳамширанинг ахлоқий мада-нияти ва маънавиятига боғлиқ.

Маънавият – бу шифокор-ларга ниятда зарур омил бўлиб, бу уларнинг қалб кўз-гусидир. Чунки улар доимо эл орасидадирлар. Маълумки, ки-шилик маънавиятининг асоси билимдир. Юксак билим ва ма-лакага эга бўлган уқувли ҳам-шира ўта интизомли бўлиб, бошқаларга ҳам ҳар бир ишда ибрат бўлса ярашади. (Шу ўринда ҳамширалар ҳақида му-лоҳаза). Баъзилар муомалани жойига қўйиб: «Амакижон, яхши дам олдингизми?» Кайфиятлар яхшими? Эрталабки дорилар-ни истеъмол қилиб олдингиз-ми?», деб ҳол сўрайдилар. Бу илқ сўзлардан касалнинг чи-ройи очилади.

Эркин ҚОСИМОВ,
профессор.

(Давоми бор).

Миннатдорчилик

МАҲОРАТЛИ ХИРУРГ

Ўғлим Элёрбек ошқозон 12 бармоқли ичка яраси ка-салиги билан ҳасталаниб қолди. Шу йилнинг февраль ойида фарзандимни операция қилдириш учун Кўрган-тепа туман марказий шифохонасига олиб бордим.

Элёрбекни операцияга тайёрлаш жараёнида шошилиш тиб-бий ёрдам бўлими мудири, хирург Баҳодир Қорабоев унинг юрагида шовқин борлигини билиб қолди. Бундай ҳолда Элёр-бекни мазкур шифохонада операция қилиш мумкин эмаслиги-ни айтиб, вилоят шифохонасига мурожаат қилишимизни мас-лаҳат берди. Фарзандимизни «Med-Servis» хусусий шифохо-насига олиб бордик. У ерда мутахассис Обиджон Мақсудов ЭХО ёрдамида ўғлимда тўғма юрак пороги борлигини аниқла-ди. Текширувдан сўнг Элёрбек Андижон Тиббиёт институти кар-диохирургия бўлимига ётқизилди. Бўлимнинг тажрибали кар-диохирурги Маҳаммаджон Мамадов ўғлимни тезлик билан опе-рация қилиш зарурлигини айтди. Барча муолажалардан сўнг Элёрбекни ўз касбининг моҳир устаси Маҳаммаджон Мамадов операция қилди. Тўғма юрак артерия кон-томирининг очик қоли-шини хирургик йўл билан тикиб қўйишдек нозик операцияни муваффақиятли амалга оширган Маҳаммаджон аканинг жонқу-ярлиги туйғайли фарзандимиз соғайиб оиламиз бағрига қайт-ди.

Айни пайтда фарзандим соғ-омон, ўзини жуда яхши ҳис қил-моқда. Унга бу бахтни инъом этган барча шифокорлардан ҳамда Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Али-хон Ҳакимов, унинг ўринбосари Нозим ака, бош хирург Исо-қовлардан чуқур миннатдорман. Айниқса, ёш бўлишига қара-май етук мутахассис, қўли энгил хирург Маҳаммаджон Мама-товга ташаккур билдираман.

Бу дунё яхши инсонлар билан гўзал. Бахтимизга оқ халатли нажоткорларимиз, яхши инсонлар кўпайсин, ҳамиша саломат бўлисин.

Мукаддамхон ХУРБОВА,
Андижон вилояти, Кўргантепа тумани «Қуштепа»
қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси.

Эътироф

ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛИ

Фаргона вилоятининг Рапкон қишлоғида жойлашган «Ўзбекистон» сихатгоҳида ҳеч бўлганимиз? Инсон дар-дига малҳам бўлгунчи ушбу сихатгоҳга кириб келар экан-сиз, унинг табиати ва сўлим боғларидан баҳри дилингниз очилади. Айниқса, унинг шифобахш суви ўт-жигар ва ош-қозон касаллигига даво бўлаётганлигини айтмайсизми?

Сихатгоҳга таширф буюрганимизда бизни қабулхона ходими Абдуқундуз Маннопов хуш кайфиятда кутиб олди. Суҳбатимиз да-вомида Тошкент Иригация ва мелiorация институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Толибжон Худойбердиев сихатгоҳдаги яратилган шароитлар, айниқса тартиб-интизом, озодалик, саранжом-саришталлик ва бир-биридан қаққон, меҳри-бон муассаса ходимларининг хизматидан беҳад хурсандлигини изҳор этди.

Шунингдек, андижонлик Фуломжон Ҳожи Қосимов ҳам ўзининг дил сўзларини билдириб шундай деди:

– Дастлабки кунларда оқ ўзимни яхши ҳис қилмоқдаман. Бу ердаги замонавий даволаш аппаратлари, лазер, кум, игна бил-лан даволаш усуллари беморларни даволашда қўл келмоқда. М. Абдуллаев, А. Абдураимов, Д. Деҳқонов, Н. Аббосова, Н. Усо-монова. А. Мадаминова ва М. Шодиванинг кўрсатаётган ғамхўр-лик ва тиббий ёрдамларидан жуда мамнунимиз.

– Шифо масканимиз 100 кишига хизмат қўрсатиш имконияти-га эга бўлиб, даволанувчилар учун барча имкониятлар мавжуд. Мақсадимиз янада янги технологияларни олиб келиб, даволаш усуллари кенгайтириш ва беморларга қўлимиздан келганча сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, – дейди сихатгоҳ раҳбари Ра-фикжон Юсупов.

Биз сўлим маскандан қайтар эканмиз, у ерда шифо ва ором олаётганларнинг мамнуниликларини кўриб, юртимизнинг шундай жаннатмакон гўшалари борлигидан фахрланиб кетдик.

Жололиддин ТУРДИЕВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан қуйидаги мутахассислар мазкур лавозимларга тайинланди

Джубатова Роза Спановна – Педиатрия илмий-текшириш институти директори

Цой Светлана Николаевна – Педиатрия илмий-текшириш институти бош шифокори

Бегалиев Саламат Максетбаевич – Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги лавозимини вақтинча бажарувчи

Нуралиев Некҳадма Абдуллаевич – Тошкент Тиббиёт акаде-мияси Урганч филиали директори

Миразимов Дониёр Ботирович – Республика нейрхирургия илмий маркази бош шифокори.

Орамиздаги одамлар

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Лавхамиз қаҳрамони ҳамкасбим, таникли олим ва шифокор Абдулхай Мирсодиқовнинг «Хаётимда босиб ўтган кунларим ва тунларим» номли хотиралари мажмуи билан танишдим. Анчадан бери йўқотиб, излаб юрган нарсамни топгандек суюниб кетдим. Дарҳақиқат, бу ноёб топилма эди. Сабаби, менинг болалик йилларим ҳам қишлоқда ўтган. Иккинчи жаҳон уруши даври ҳамда халқ ҳўжалигининг тикланиш пайтидаги моддий, маънавий қийинчиликлари ҳам менга жуда яхши таниш. Қолаверса, бу кунларни озми-кўпми ўз бошимдан кечирганим муаллиф билан орамизда ўзаро яқинлик, муштараклик борлигини дарак берарди.

Муаллифнинг ниҳоятда қузатувчанлик, синчковлик билан ёшлигида кўрган-билган, бошидан кечирган ҳар бир воқеани илпидан игнасиғача эринмай ёдга олиши, уларни қоғозга тушириши озмунча вақт, сабр-тоқат талаб қилишини ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Эсдаликларни бетма-бет, саҳифа-саҳифа ўқир эканман, ўзимнинг беозор ва оловли болалик чоғларим ёдимга тушди. 1955-61 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтидagi (ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси) талабалик олтин даврларим бирма-бир кўз олдимда жонлангандек бўлди. Аҳамият берсам, қаҳрамонимиз бошидан кечирган ва босиб ўтган нотекис, ўнқир-чўнқир, пасту баланд йўллардан мен ҳам изма-из юрган эканман. Айниқса, биз учун саждагоҳдек азиз ва

Муаллиф ёзда: «Мен навбатчи жароҳнинг ёрдамчиси сифатида беморларга ёрдам кўрсатардим. Бир куни бир кампир оғзини ююлмаслиги, овқатни чайнай олмаслиги, пастки жағи соҳасида оғриқ сезаётганлигидан шикоят қилиб бизга мурожаат қилди. Унинг пастки жағи чиққан эди. Навбатчи жароҳ бундай ҳолатни аввал сира учратмаган экан, додираб қолди. Нима қилишни билмай, травматологни уйдан чақиртирди: Мутахассис беморни назоратдан ўтказган, уни эртага Тошкентдаги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтига юборишга қарор қилди. Шунда мен ҳамкасбларимдан беморга ёрдам кўрсатишим учун рухсат сўрадим. Улар рухсат беришди, айримлари эса: «Сенга йўл бўлсин!» дегандек, менга ишонқирамай, истезо билан ичларида қулиб ҳам қўйишди. Чун-

ларининг рентген тасвирида чап чакка суяклари дарз кетганлиги аниқланди. Беморнинг безовталиги кучайиб, қайта-қайта кўсди.

Унга тегишли муолажа чораларини кўриб, санитария авиацияси орқали нейроразроҳ маслаҳатга чақирилди. Қисқа фурсатда етиб келган профессор А. Тишин беморни тиббий текширувдан ўтказган, шошилинч равишда мураккаб операцияга, бош мия қутисини махсус асбоблар билан трапанация қилиш, фразе тешигини очишга киришди. Сабаби, мия қутиси ичига қон қуйилиб, у мианинг чап-тепа соҳаларини эзайтган эди. Моҳир мутахассис фразе тешиги орқали ҳали ивиб улгурмаган қонни ташқарига чиқарди, жароҳатланган қаттиқ парда ўрта артериясини боғлаб қўйди. Шундай қилиб, бош мия эзилиши бартараф этилди. Мианинг бемалол «нафас олиши» тикланди. Операция бор-йўғи 30-40 дақиқа давом этди, мен беморга қон қуйиш билан банд қўйдим. Эртаси куни бемор кўзини очди, ҳўшига келди. Кейинчалик унга бош мия суягининг тешик қисмини ёпиб қўйиш учун пластик операция амалга оширилшини зарурлиги тавсия этилди. Шундай қилиб, мен ўз хаётимни жароҳлик, айниқса нейроразроҳликка бағишлагга қатъий аҳд қилдим, бу йўлда кеча-кундуз изландим. Ниҳоят, 1954 йили институтни аъло баҳолар билан тугатиб, Травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институтига йўлланма олдим, нейроразроҳлик бўлимида ўз мустақил фаолиятимни бошладим».

Ҳа, ўша даврларда ўрта Осиёда яққо-яғнона ҳисобланган бу етакчи илмий-тиббий, услубий марказда узок йиллар мобайнида аввал кичик, кейинчалик катта илмий ходим, 1968 йилдан 1982 йилгача нейроразроҳлик бўлими раҳбари бўлиб қизгин фаолият кўрсатган тиниб-тинчимас, ташаббускор, изланувчан инсон, қўли енгил моҳир жароҳ ва меҳрибон мураббий Абдулхай Мирсодиқов бошидан не-не сир суноатлар ўтмади дейсиз.

Бу даврларда у Тошкентдаги Марказий ҳарбий госпиталда, собиқ Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги А. Л. Поленов номидаги нейроразроҳлик институтига малака оширди. Москвадаги Н. Н. Бурденко номидаги нейроразроҳлик институти аспиранти бўлди. Бунга қарангки, умуммақсад йўлидаги илмий-тиббий изланишларимизнинг бу йўналишида ҳам айнан шу макон ва масканларда йўлларимиз туташ келди. Абдулхай Мирсодиқов нейроразроҳлик, мен эса унга ёндош ҳарбий неврология, психиатрия бўйича шуғулландим. Абдулхай Мирсодиқов игна билан қудук қазигандек тиббиёт фанлари номзоди, тиббиёт фанлари доктори, профессор деган илмий унвон, даражаларга эришди. «Соғлиқни сақлаш аълочиси», «Шўҳрат» медали соҳиби бўлди. 200 га яқин илмий мақолалари чоп этилди. Помир тоғи Федченко музлигидаги илмий-тиббий муаммоларни ўрганиш бўйича ташкил этилган экспедицияларда фаол қатнашди. 1982 йилдан 2003 йилгача Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида нейроразроҳлик фанини талабаларга ўқитиш, бу соҳа бўйича етук, малакали ходимлар тайёрлаш, турли илмий-услубий қўлланма, дарсликлар яратиш билан фаол шуғулланди. Ўзлаб, минглаб шикастланган беморларнинг дардига даво топи, уларни ҳаётга қайтарди, эл-юрт хўрматига сазовор бўлди.

Айни пайтда табарруқ инсон саксон ёш оstonасида ҳамон ўзини сергак ва бардам хис қилиб, нейроразроҳлик бўйича ҳамкасбларига ўзининг қимматли маслаҳатлари, ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашайтган мухтарам ўстоз ва мураббий Абдулхай Мирсодиқов оила аъзолари, шогирдлари даврасида шўқроналик билан ҳаёт нашидасини сўрмоқда. Интиланганга толе ёр, деб шўни айтишса керак-да!

Искандар РАХМОН.

Эътироф



ЯХШИ ИНСОН ФАЗИЛАТИ

— Жамоадаги соғлом муҳитнинг барқарорлиги ишда унум бўлишига, кишилар кайфиятининг яхшиланишига олиб келади, — дейди Янгикўрган туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори, олий тоифали санитар врач Мирзааҳмад Йўлдошев.

Сўзида давом этган тажрибали раҳбар уни шу даражага етказиш учун энг аввало бошлиқ ва ходимлар ўртасида самимий муносабат шаклланиши лозимлигини таъкидлади. Мирзааҳмад Йўлдошевнинг бу фикрларини дилга жо этиш баробарида унинг мана бу сўзларига эътиборингизни жалб этишни лозим топдик:

— Ҳар қандай жамоанинг бошлиғи энг аввало унинг тўлақонли аъзоси эканлигини унутмаслиғи лозим. Бу деганим шўки, сизга ишонч билдириб, ҳамкасбларингизга бош-қош бўлишдек масъулият юклашган экан, билин-ки сиз катта шижоат билан ишлашингизга тўғри келади. Атрофдагиларга ўзингизга қандай муносабатда бўлсангиз, шундай иззат-иҳром кўрсатишингиз обрўйингизга обрў қўшади. Ана шундагина аҳойиб фазилатларингиз билан эл назаридан қолмайсиз.

Бу гаплар салкам 70 кишидан иборат бўлган аҳил жамоага 25 йилдан бери узлуксиз етакчилик қилиб келатган тажрибали, камтарин инсон Мирзааҳмад Йўлдошевнинг фикрлари эди. Ҳа, масъул бир лавозимда чорак аср самарали ишлаш осон эмас. Кўп йиллик фаолияти давомида талабчан, ташаббускор раҳбарнинг савй-ҳарақатлари туфайли муассасада муваффақиятли ишлар амалга оширилиб, кадрлар масаласига бўлган эътибор кучайтирилди. Шундай экан, ходимларига ўзининг фидойи меҳнатлари билан ўрнатган бўлиб келатган М. Йўлдошев аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, тиббий ва санитария-гигиеник билимларини тарғиботини изчил амалга оширишда муносиб ҳисса қўшди. Айни кунда у бошчилик қилаётган жасоа ходимлари тумандаги аҳоли орасида санитария-эпидемиология ишларини сифатли даражада олиб бориб, ҳар қандай ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олишда сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар. Шу боис, кейинги йилларда Янгикўрган тумани аҳолиси орасида юқумли касалликлар кўрсаткичи камайди. Бундан ташқари тажрибали ходимларнинг фидойи ҳарақатлари сабаб бозор ва дўконлардаги озиқ-овқат, мева-сабзавот ҳамда полиз экинлари савдоси тартибли йўлга қўйилган ва доимий назорат остида. Хўлас, ўзининг ҳалол меҳнати билан жамоа ходимларига ибрат бўлиб келатган Мирзааҳмад Йўлдошевнинг фаолияти тўғрисида қисқача тўхталдик ва амин бўлдикки, жамоада соғлом муҳит мавжудлиғи боис, муассасада баҳарлаётган ишларнинг доимо унумли бўлишига шўбха йўқ.

Аскаралӣ МАМАТОВ,
Наманган вилояти.



қадрдон бўлган Тиббиёт институти ҳудудидаги дов-дахат, ўт-маиса-ю, арик ва йўлақлар, ўқув бинолари — ҳар бири ўзига хос, бир олам, тақрорланмасдек гўё. Ўстоз ва мураббийларимиз икковимиз учун ҳам умумий, кўнгилга яқин сиймолар экан. Булар: академик Ёлқун Тўрақулов, профессорлардан: Содиқ Маъсумов, Ҳолиқ Ғафуров, Николай Кампанцев, сеҳимли ректоримиз, доцент Абдумалик Ғуломов, тажрибали шифокор, мураббийлардан А. Тишин, О. Шокиров, В. Сорокина ва бошқалар. Уларнинг одамилиги, фидойилиги, ўз касбининг билимдонлиги, тиббиётимиз равнақиға қўшган улкан ҳиссаси ҳақида жуда кўп ва ҳўб гапириш мумкин.

Афсуски, уларнинг сиймолари ноёб хислатлари каби тарих саҳифаларига адабий муҳрланган, халқ ёдида, ҳамкасблари, шогирдлари тили ва дилида иккинчи умрини яшамокда. Умрнинг ўткинчи эканлиғи шу бўлса керак.

Тақдир тақозосини қарангки, қаҳрамонимиз институтдаги ўқинишнинг 4-босқичида ёзги амалий тажрибасини 1952 йилнинг июль-август ойларида Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳридаги тиббий-санитария қисми (МСЧ) касалхонасида ўтказган экан. Мен ҳам бу жойларга 1958 йили борган эдим. Яна ўша эл-юртга таникли шифокор, моҳир ташкилотчи, шахмат устаси Тожихон Аъзамов, унинг рафиқаси тажрибали шифокор Н. Коваленко, моҳир жарроҳ С. Мамедов...

31 август — Катагон қурбонларини ёд этиш куни



ВАТАНГА САДОҚАТ

Мустақиллик — олий неъмат, олий саодат йўлида неча жонлар шаҳид кетганлигини, эзгу орзу илинжида озодлик, ҳурлик шамолини асрлар оша кутган қахрамон авлодларимизни бугун кўзда ёш, ёрқин хотира ила ёд этажамиз. Дарҳақиқат, Ватан тинчлиги, юрт фаровонлиги учун жон фидо этган, керак бўлса оиласи, ширин ҳаётидан воз кечиб, халқ юрагидан вулқон каби отилиб чиққан. Мустақиллик шаъни, қудратини сўнгги нафаси қолгунча курашиб

ёнган катагон қурбонлари — Беҳбудий, Қодирий, Ҷўлопу Фитратлар ёди ҳамон тарих саҳифаларида ўчмас муҳр бўлиб келмоқда.

Бугун мустақиллигимизнинг 16 йиллиги. Бу нашида ҳаммамизники. Мардларча қурбон бўлган қахрамон аждодларимизнинг ҳоки-пойни муқаддас тутиш учун барпо этилган «Шахидлар хотираси» хиёбони гўё тарих зарваракларини қайта тиклаб, авлодлар руҳини зиёрат қилишдек бахтга барчамизни муяссар этди. Шунингдек, «Шахидлар хотираси»

хиёбонидан жой олган тарихий музейдаги ўтмиш хотиралари катагон йилларида қурбон бўлган юртдошларимизнинг босиб ўтган йўллари ақс эттириш баробарида, уларнинг она-Ватанга бўлган садоқатини тилсиз сўзлайди. Мазкур мажмуага ташриф буюрган ҳар бир инсоннинг тафаккурида ўтмиш тарихга бўлган эътибор янада қучайиб, Ватан учун жонини фидо айлаган инсонларга бўлган меҳрининг янада ошишига шубҳа йўқ.

Таҳририят.

Благодарность

ВЕРНЫЕ КЛЯТВЕ ГИППОКРАТА

Есть в клятве Гиппократа такие строки "Все силы и знания посвящать охране и улучшению здоровья человека, быть всегда готовым оказать медицинскую помощь, внимательно и заботливо относиться к больному". Действительно, эти слова не утрачивают своей актуальности даже спустя века. Как и никогда не теряет смысла призыв — "Высшее благо медицины — здоровье".

Никакая болезнь не красит человека, а сердечно-сосудистая — тем более. К сожалению, в последние годы эта болезнь поражает не только пожилых людей, а уже добралась и до населения среднего и молодого возраста. И именно с этой целью и было принято решение о создании кардиологического областного центра в городе Термезе, которым руководит М.Нурматов, высококвалифицированный специалист и руководитель, известный далеко за пределами республики. Его заместитель З.Абдураулов — отличный специалист, обладает незаурядными организаторскими способностями, вкладывает немало усилий в улучшение лечебной и профилактической работы, условий труда и быта, как работников, так и больных. Необходимо подчеркнуть тот факт, что на сегодняшний день проводится реконструкция самого корпуса с учетом всех современных социально-гигиенических факторов.

Хотелось бы особо остановиться на деятельности заведующего кардиологическим отделением Ч. Джумаева. Этот известный в области высококвалифицированный кардиолог, умелый руководитель, прекрасный врач и одновременно

но опытный психолог, он индивидуально подбирает ключ к сердцу каждого больного, пытаясь всячески помочь и поддержать его. Впервые я встретила Чоры Боймурадовича в декабре 2005 года, когда у меня случился гипертонический криз. Именно благодаря его лечению, вниманию и чуткости я поверила в себя и обрела надежду на выздоровление. В июле этого года я получила очередной курс лечения у этих врачей, и хочу от всей души поблагодарить весь этот коллектив. Особую благодарность выражаю старшей медсестре Н. Рассказовой, а также обходительным, вежливым, аккуратным, милым медсестрам С. Холлиевой, Д. Рахманкуловой, врачам С. Дурманову, Х. Норбутаеву, Э. Аминжонову и всему коллективу этого учреждения, которые также всегда готовы прийти на помощь больным, подбодрить ласковым словом.

В канун праздника Независимости Республики Узбекистан хочу всех поздравить и пожелать мира и благополучия их семьям.

Ф. ВАЛИУЛИНА,
инвалид II группы,
Сурхандарьинская область.

Кладовница знаний

Труды Ибн Сино по праву называют медицинской энциклопедией. Есть основания назвать их и своеобразной энциклопедией здоровья, так как они насыщены идеями сохранения и укрепления здоровья.

ИБН СИНО ОБ УКРЕПЛЕНИИ ЗДОРОВЬЯ

Мысль о сохранении здоровья заложена уже в самом определении медицины, которое дает Ибн Сина. Медицина, — пишет он, — это наука, познающая состояние тела человека, для того, чтобы сохранить здоровье и вернуть его, если оно утрачено. Учением о познании сил, натуре, соков, разновидностей болезней, их проявлений и причин занимается теоретическая медицина, а практическая, в свою очередь, делится на две части, первая из которых занимается знанием режима здоровых тел, посвящена вопросам сохранения здоровья и поэтому называется наукой сохранения здоровья. Вторая же часть — знание режима больного тела, указывающая пути возврата к здоровому состоянию называется наукой лечения.

Ибн Сино решительно обосновывает свое понимание медицины, выдвигает на первый план сохранение здоровья. Из этого следует, что его взгляды во многом созвучны задачам современной медицины и практики. Ведь как в то время, так и на сегодняшний день высшим благом медицины является здоровье человека. Заслуживает внимания высказывание Ибн Сино о факторах, которые способствуют сохранению и укреплению здоровья. "Основное в искусстве сохранения здоровья, — это гармонизация необходимых общих факторов. Балансу семи факторов следует уделять основное внимание. Уравновешенность натуре, выбор пищи, очистка тела от излишков, сохранение правильного телосложения, улучшение того, что вдыхается через нос, приспособление одежды, уравновешенность физического и душевного движения, сон и бодрствование в какой-то мере относятся к последнему".

Заслугой Ибн Сино является то, что он учитывал влияние внешней среды на здоровье человека. Будучи наблюдательным, он за много веков до открытия возбудителей инфекционных заболеваний гениально предсказал существование невидимых возбудителей, являющихся причиной "лихорадочных" или инфекционных заболеваний. По словам Ибн Сино, эти возбудители передаются через воздух или профильтрованную воду. К тому же ученый впервые дал научное обоснование влиянию физических упражнений на укрепление организма человека. Он считал их самым главным условием сохранения здоровья. Физические упражнения Ибн Сина делил на "малые и большие", очень сильные или слабые, быстрые или медленные, бывающие и вялые упражнения. По его мнению, приступая к физическим упражнениям, необходимо соблюдать два условия: во-первых, тело должно быть чистым, во-вторых, принятая пища должна перевариться. Он не рекомендовал начинать выполнение физических упражнений натощак, особенно сильные физические упражнения, так как они "истощают силы". При этом Ибн Сино настойчиво советует учитывать возраст как здорового, так и больного человека. Большое значение Ибн Сино придавал закаливанию организма, использованию естественных сил природы — воздуха, воды и солнца — в сочетании с физическими упражнениями. "Солнечная ванна сильно растворяет излишки, вызывает испарину, уничтожает хроническую холодность, головную боль и укрепляет мозг", — указывал он. В то же время, ученый обращал внимание на вредность чрезмерного использования того или иного физического фактора. Он писал: "Тому, кто (слишком) долго остается в бане, угрожает обморок от перегрева сердца. А это приводит к вялости, наносит вред нервам, и способствует ухудшению здоровья".

Большую часть своих трудов ученый посвящал важному фактору сохранения здоровья. Он призывает к разнообразному питанию, соблюдению режима приема пищи, употреблению молочных и растительных продуктов, ибо "легкая пища сохраняет здоровье".

Данные рекомендации не утратили значения и в наши дни. Пищевые продукты Ибн Сино рассматривает не только как пластический материал, но и как лекарство, способное влиять на различные функции организма. Рекомендовано учитывать качество и количество пищи, соблюдать последовательность, время их приема, возраст, привычки человека, сезон года и пр. Ибн Сина рекомендует весной облегчить пищу, заниматься умеренными физическими упражнениями, не пить до полного переполнения желудка, принимать пищу небольшими порциями, употреблять утоляющие жажду напитки и сиропы, а также воздерживаться от всякого рода мяса и напитков, которые сильно горячат и увлажняют тело. К тому же желательно умеренное потребление горьких, острых и соленых вещей.

Таким образом, приведенные выше данные еще раз подтверждают огромное значение научного наследия Ибн Сино для развития многих отраслей современной профилактической медицины, в частности, в вопросах сохранения и укрепления здоровья человека.

А. ТОХИРИЙ, М. СУЛАЙМАНОВА,
Ташкентский институт усовершенствования врачей.

Будь здоров

НАРОДНЫЕ СРЕДСТВА ЛЕЧЕНИЯ ГАСТРИТА

1. Пить по 1/4 стакана 3 раза в день сок смородины черной. Применять при гастрите с пониженной кислотностью желудка.
2. Принимать сок алоэ по 1-2 ч. ложки 2-3 раза в день за 20-30 мин. до еды. Курс лечения 1-2 месяца.
3. Пить сок белокочанной капусты по полстакана в теплом виде 2-3 раза в день за час до еды. Применять при гастрите с пониженной кислотностью.
4. Свежий сок картофеля пить по 3/4 стакана натощак за 1 час до еды. Через каждые 10 дней делать перерыв. Пить при гастрите с повышенной кислотностью.
5. Ст. ложку измельченных листьев салата посевного залить стаканом кипятка, настаивать 1-2 ч., процедить. Пить по полстакана 2 раза в день или по 1 стакану на ночь.
6. Чайную ложку измельченного корня лопуха залить 2 стаканами кипятка, настоять 12 ч., процедить. Пить по полстакана теплого настоя 2-4 р. в день.
7. Ст. ложку сухих листьев подорожника заваривать стаканом кипятка, настаивать 10 мин., процедить. Выпить за 1 ч. небольшими глотками (суточная норма).
8. Чайную ложку измельченного корневища аира залить стаканом кипятка, настаивать 20 мин., процедить. Пить по полстакана 4 раза в день за 30 мин. до еды. Применять при гастрите с повышенной кислотностью.
9. Две ст. ложки листьев мяты залить 2 стаканами кипятка, настоять 20 мин., процедить. Пить по 1/2 - 1 стакану за 15-20 мин. до еды 2-3 раза в день.
10. 20 г. травы тысячелистника на 2 стакана воды, кипятить 15 мин., настоять 45 мин., процедить. Пить по 1 ст. ложке 3-4 раза в день перед едой при гастрите с пониженной кислотностью.
11. Три ст. ложки плодов облепихи залить 0,5 л. горячей воды, кипятить 10 мин. на слабом огне, процедить. Добавить мед по вкусу и пить как чай по 2-3 стакана в день, лучше натощак.
12. Свежие ягоды клюквы усиливают выделение желудочного сока, поэтому рекомендуются для лечения гастрита с пониженной кислотностью.
13. Трава зверобоя 8 частей, листья подорожника 8 частей, трава сушеницы 8 частей, трава золототысячника 4 части, листья мяты 2 части, травы спорыша 4 части, корневища аира 2 части, плоды тмина 3 части, трава тысячелистника 1 часть. Две ст. ложки сбора заварить на 1 л. кипятка, настоять 12 ч., процедить. Пить по полстакана 4 раза в день через час после еды при гастрите с повышенной кислотностью желудка.

Одновременный прием лекарств и травяных сборов не рекомендуется - между двумя этими лекарственными формами должен быть перерыв не менее 1 часа.

Детям от 7 до 14 лет следует принимать 1/2 дозы взрослых, детям от 4 до 7 лет - 1/3 дозы взрослых, детям от 3 до 4 лет - 1/4 - 1/6 дозы взрослых, 2 лет - 1/8 - 1/10, детям до 1 года - 1/10 дозы взрослых.

Сборы рекомендуются принимать по следующей схеме: 2 недели принимать - 2 недели перерыв - 2 недели принимать - 2 недели перерыв, затем заменить сбор и принимать его по схеме. Перед тем, как принимать тот или иной сбор, изучите противопоказания ко всем травам, входящим в состав этого сбора в травнике. Помните о консультации с врачом.

Современная медицина предлагает и другие методы лечения гастритов:

* Отчетливый обезболивающий и положительный трофический эффект дает ультразвуковая терапия. Перед процедурой следует выпить 0,5 л. воды или лучше лекарственного травяного настоя (разведенного до 0,5 л. водой), чтобы отсеснить воздух и приблизить желудок к брюшной стенке.

* Положительное противовоспалительное действие оказывают дециметровые волны.

* Динамические токи Бернара также используются при лечении хронического гастрита.

* Синусоидальные модулированные токи устраняют болевую и диспепсическую симптоматику.

* Положительное влияние оказывают также тепловые процедуры на подложечную область: парафина, озокерита, грязелечение.

* Озонотерапия оказалась эффективным средством при лечении хронического гастрита. При местном применении озон преодолевает барьеры, созданные воспалением в желудке.

* Озонированное растительное масло и озонированная вода убивают микроорганизмы и ускоряют процессы заживления. Озон быстро снимает боль и воспаление и повышает иммунитет.

* Лечение хронического гастрита включает в себя ежедневный прием озонированной воды. Вода дистиллированная насыщается озоном в стеклянных емкостях. Озонированная вода используется свежеприготовленной и принимается натощак в объеме одного стакана по 200-250 мл. 1-2 раза в день.

Такой метод лечения предлагает специализированные клиники озонотерапии и некоторые другие клиники.

Подготовила
Л. ВОЛОШИНА.



Мустақил юртинг бахтли, ёш оилаларини кўриб, кишининг ҳаваси келади. Бу икки ёш эндиликда оила аталмиш муқаддас кўргонни кўз қорачигидек асраб-авайлаб обод этишларига астойдил ишонамиз!

ТИББИЙ КЎРИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда ҳар бир оилани, айниқса эндигина қарор топаётган ёш оилаларнинг илдинини мустаҳкамлаш - эзгу вазифадир. Оиланинг мустаҳкамлиги ахлоқий поклик, чин муҳаббат, олижаноблик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, атрофдагиларга иззат-икром тушунчалари билан бирга ёш келин-куёвлар ва уларнинг бўлажак фарзандлари соғлиғига ҳам боғлиқ.

«Соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади», деб бежиз айтилмаган. Болаларда турли касалликларнинг олдини олиш, туғма касалликларга йўл қўймаслики назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда 365-сонли қарори чиқарилди. Бу қарорга асосан янги оила қурмоқчи бўлган шахслар никоҳдан олдин ФХДБ бўлими томонидан берилган йўлланма билан тиббий кўриқдан ўтишмоқда. Ёшларни яшаш жойларидаги тиббиёт муассасаларида психиатр, дерматовенеролог, нарколог, акушер-гинеколог, уролог каби мутахассислар текширадилар. Тиббий кўрик жараёнида никоҳланувчилар ва уларнинг қариндошларида руҳий касалликлар бор-йўқлиги аниқланади, эпилепсия (тутқанок), шизофрения, олигофрения каби касалликларнинг наслдан

насла ўтиш хавфи борлиги тушунтирилади.

Алкоголь ва наркотик моддаларнинг организмга салбий таъсири, фарзандларнинг турли касалликлар ёки ногирон бўлиб туғилишига сабаб бўлиши туғрисида маълумотлар ҳам бериб борилади. Кўрик вақтида алкоголизм ва наркомания касалликлари аниқланса, беморлар дарҳол нарколог диспансерига юборилади. Сил касалликларининг яширин ёки бошланғич турини аниқлашда кўрак қафасининг флюоро текшируви қўлланилади.

Касаллик, унинг организмга келтирадиган зарари ва атрофдагиларга юқиши мумкинлиги ҳақида ҳам айтилади. Ҳозирги вақтда кенг тарқалаётган ва бутун дунё муаммоси бўлаётган ОИТС ва захм касалликларини аниқлаш учун қон таҳлили текширилади, дерматовенеролог кўригидан ўтилади ва ёшлар билан суҳбат ўтказилади. Аниқланган касалликлар ҳақида тўйдан ол-

дин улар даволанишлари муҳимлиги ва керакли тиббиёт муассасасига йўлланма берилади. Даволаниб келганларидан кейин ёшларга оила қуришларида шифокорлар томонидан руҳсат этилади.

Бўлажак оиланинг соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида шу ишлар олиб борилад экан, шифокорлар, педагоглар, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмитаси аъзолари ёшларимиз ва ота-оналарга тиббий кўриқнинг зарурияти туғрисида тушунтиришлари керак.

Ўсмир йигит ва қизларимизни мактаб ёшидан оқшол оилавий ҳаётга психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашимиз, уларга соғлом турмуш тарзи тушунчаларини синдириш педагог ва шифокорлар, ота-оналарнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Шу ўринда гигиена қоидаларига амал қилишни ўрганишимиз кераклиги туғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

**Ф. БАҲРОМОВА,
У. МУРОДОВА,
Низомий номидаги
ТДПнинг «Тиббий билим
асослари» кафедраси
ўқитувчилари.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазирлиқнинг қабулхонаси мудири Болта ХИББИМОВГА ўғли

Ақром ХИББИМОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қабулхонаси мудири Болта ХИББИМОВГА ўғли

Ақром ХИББИМОВнинг вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел./факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь кунини рўйхатга олиган, гувоҳнома рақами 0015.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақоалалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Адади 4629 нуска. Буюртма Г-750.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган. Ўзлон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва ўзлон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОКОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти - 20.00.

Газета муассиси:

**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги**

**Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА**

**Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ**

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Марьям Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов.